

## МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШ БОСҚИЧЛАРИ

**Рахимов Хасан Абдусайтович**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, Phd*

**Аннотация:** Меҳмонхона хўжаликларида кадрлар менежментини ташкил қилиш ва такомиллаштиришда нима учун фактларга таяниш ва кўп фикрни ўртага ташлашга эришиш лозим, деган савол муҳим ҳисобланади. Қарорларни қабул қилишга асос бўлган жиҳатлар ҳам жуда кўп.

**Калит сўзлар:** туризм, меҳмонхона хўжалиги, аҳоли бандлиги, ялти ички маҳсулот, соҳа, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси, эҳтиёж, ижтимоий соҳа, меҳмондўстлик, туризм тарихи, халқаро туризм, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти, туристик муносабатлар.

### **Кириш.**

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва унинг таркибий тузилмасини мустаҳкамлашда хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан, меҳмонхона хўжаликлари муҳим аҳамият касб этади. Туризм индустриясининг жадал ривожланиши натижасида меҳмонхона хизматларига бўлган талаб ортиб бормоқда, бу эса ушбу соҳани иқтисодий ўсишнинг стратегик йўналишларидан бири сифатида шакллантирмоқда. Шу сабабли, миллий иқтисодиётимизда меҳмонхона хўжаликларининг ташкил топиш босқичларини ўрганиш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Меҳмонхона хўжаликларини ташкил этиш жараёни бир неча босқичларни ўз ичига олади ва у бозор эҳтиёжларини таҳлил қилиш, инвестиция жалб этиш, инфратузилмани шакллантириш ҳамда бошқарув тизимини йўлга қўйиш каби муҳим жараёнлар билан боғлиқ. Ҳар бир босқичнинг тўғри ташкил этилиши меҳмонхона фаолиятининг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, глобаллашув жараёнлари ва халқаро туризм бозоридаги рақобат муҳити меҳмонхона хўжаликларини ташкил этишда замонавий стандартлар ва инновацион ёндашувларни жорий этишни талаб этмоқда. Бу эса миллий иқтисодиётда ушбу соҳанинг ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда давлат томонидан туризм соҳасига берилаётган эътибор, инвестиция муҳитининг яхшиланиши ва рақамли технологияларнинг жорий этилиши меҳмонхона хўжаликларини ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда. Шу нуқтаи

назардан, мазкур жараёни босқичма-босқич ўрганиш ва илмий асослаш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мақоланинг мақсади миллий иқтисодиётимизда меҳмонхона хўжаликларининг ташкил топиш босқичларини таҳлил қилиш, уларнинг мазмуни ва аҳамиятини ёритиш ҳамда ривожланиш йўналишларини илмий асосда кўриб чиқишдан иборат.

#### **Асосий қисм.**

Маълумки, Ўзбекистон 1993 йилда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO)га аъзо бўлган эди. Мазкур ташкилот билан ҳамкорлик қилинганига бу йил 20 йил тўлди. Шу йиллар мобайнида мамлакатимиз ушбу ташкилот билан ҳамкорликда қатор муҳим тадбирларни ўтказди. Буюк Ипак йўли мамлакатларининг биринчи мажлиси (Самарқанд, 1994 йил), Маданий меросни сақлаш бўйича семинар (Бухоро, 1996 йил), Ипак йўлида туризмни ривожлантириш бўйича учинчи мажлис (Бухоро, 2002 йил) шулар жумласидандир. 2004 йилда Самарқандда UNWTOнинг Минтақавий офиси очилди. 2010 йил 8-9 сентябрь кунлари худди шу шаҳарда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош қотиби Талейб Рифаи иштирокида ўтказилган навбатдаги мажлисда “Ипак йўли” савдо белгисини жаҳон сайёҳлик бозорига олиб чиқиш борасида муҳим қадам қўйилди. Шунингдек, UNWTOнинг Кенжу (Жанубий Корея) шаҳрида ўтказилган 19-сессиясида Европа минтақавий гуруҳи томонидан Ўзбекистоннинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг аъзолигига сайланиши, мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги халқаро миқёсда эътироф этилаётганлигини кўрсатадиган муҳим далиллардандир.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) ҳамда Халқаро валюта фонди (ХВФ) маълумотларига кўра, 2000 йиллар бошларида туризм жаҳон миқёсида экспорт қилинадиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар бўйича автомобилсозлик, кимё ва озиқ-овқат саноатини ортда қолдириб, биринчи ўринга кўтарилиб олган эди.

Ўзбекистон учун ушбу соҳани ривожлантиришнинг яна бир муҳим томони шундаки, мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида ишсиз аҳолини иш билан таъминлашда ҳам ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади<sup>28</sup>.

Туризмнинг тарихи инсоният тарихи билан ҳамоҳанг. Унинг вужудга келишига қадимда аҳолининг савдо-сотик билан шуғулланиши, таълим олиши, муқаддас жойларни зиёрат қилиш мақсадида ўз юртларидан йироқ жойларга сафар уюштиришлари сабаб бўлган. Натижада туризм соҳаси ўрта асрларга келиб, айниқса,

<sup>28</sup> Ortikniyozovich U. F. The Significance of Theoretical Concepts of Services and Service Activity // American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – Т. 5. – № 6. – С. 43-45.

Осиёда шаҳарсозликнинг ривожланишига, жумладан, карвонсаройлар, мадрасалар, бозорлар ва йўлларнинг қурилишига сабаб бўлган.

Меҳмонхоналар фаолиятининг кенгайиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Жаҳон амалиётидан маълумки, туризмни ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиётининг ўсишига, кам тараққий этган ҳудудларнинг ривожланишига, аҳоли бандлигининг ошишига, аҳоли маданиятининг юксалишига олиб келади<sup>29</sup>.

Туризм ва меҳмонхоналарнинг ривожланиши бир-бири билан узвий боғлиқ. Туризмнинг ривожланиши объектив равишда меҳмонхоналарнинг ривожланишига олиб келади. Бироқ меҳмонхоналар етарли ва хизмат кўрсатиш жараёни сифатли бўлмаса, туризмнинг ривожланишига тўсиқ бўлади. Шу туфайли уларнинг ривожланишини бир-бирига боғлиқ ҳолда қарашни тақозо қилади. Булардан ташқари иккаласининг ривожланиши янги иш ўринларининг очилишини ва шу орқали бандлик муаммосини ҳал қилиб, аҳолининг фаровонлигини ошириш имконини ҳам яратади.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, XX асрнинг 20-30-йилларига келиб туризм халқаро муносабатларни тинчлик йўли билан ҳал этиш объектига айланди. Мамлакатлар ўртасида нафақат дипломатик, балки маданий, туристик, оддий фуқаролик муносабатлари ҳам ривожланиш босқичига кирди. Буларнинг амалга оширилишида БМТ ташкил этилгунга қадар жаҳонда вужудга келган ҳарбий ҳолатларни тўхтатиш, давлатлар хавфсизлигини таъминлаш каби вазифаларни бажарган Миллатлар Лигасининг ҳиссаси катта бўлди. Ўша пайтларда фаолиятда бўлган халқаро туризм ташкилоти “халқаро туризм”, “турист” каби атамаларга аниқлик киритиш, туризмни йўналишларга бўлган ҳолда ўрганиб, ундан дипломатик восита сифатида фойдаланиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиққан эди<sup>30</sup>. Шундай қилиб туризмнинг кўлами кенгайди. У нафақат маданий алоқаларни, оддий сайёҳликни, балки дипломатик муносабатларни мустаҳкамлашга ҳам ўзининг тегишли ҳиссасини қўшадиган бўлди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин тарихий қадамжолар ва дам олиш объектларига эга бўлган давлатлар оммавий туризмни ривожлантиришга, шаҳарларда кўнгилочар масканлар ва меҳмонхоналарни қуришга эътибор қарата бошладилар. Кўп ўтмай, ўнлаб мамлакатлар туризмни кўп тармоқли, аҳолининг асосий қисмини иш билан таъминлайдиган йирик саноат турига айлантирдилар. Жаҳонда тенги йўқ “олтин андоза” номини олган Ritz-Carlton каби меҳмонхоналар вужудга келди ва улар

<sup>29</sup> Холикулов А., Юлдашева Н. Меҳмонхоналарда сервис сифатини оширишнинг концептуал йўналишлари ва уни баҳолашнинг илмий-назарий ва услубий масалалари // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 76-86.

<sup>30</sup> Қўлдошев Қ. Ўзбекистон туризм ривожланаётган давлатлар бешлигида. // “Адолат” газетаси. 14-сон. 2013 йил 5 апрель. – 7-бет.

трансмиллий корпорация макоми даражасигача кўтарилди. Бу ҳақда ва унда кўрсатиладиган хизматлар хусусида махсус китоблар ҳам нашр қилинди ва бир қанча тилларга таржима этилди<sup>31</sup>. Шундай ыилиб 2000 йиллардан бошлаб туризм бутун дунёда иқтисодиётнинг энг катта даромад келтирадиган, асосийси, барқарор ривожланиб бораётган тармоқларидан бири сифатида эътироф этила бошланди.

Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, айти пайтда бир йиллик пул айланмаси 900 миллиард АҚШ долларига етган халқаро туризм соҳаси дунё бўйича банд бўлганларнинг 8 фоизини (200 миллион киши) иш билан таъминлаб турибди<sup>32</sup>. Бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу соҳада банд бўлган ходимлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

### **Хулоса.**

Миллий иқтисодиётимизда меҳмонхона хўжаликларининг ташкил топиш босқичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мазкур жараён изчил ва комплекс ёндашувни талаб қилади. Ҳар бир босқич — бозорни ўрганиш, инвестиция жалб қилиш, инфратузилмани шакллантириш, кадрлар тайёрлаш ва бошқарув тизимини йўлга қўйиш — меҳмонхона фаолиятининг самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларига кўра, меҳмонхона хўжаликларини тўғри ташкил этиш миллий иқтисодиётнинг хизматлар соҳасини ривожлантиришга, ички ва ташқи туризм оқимларини кенгайтиришга ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади. Бу эса иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан бири сифатида намоён бўлади.

Шу билан бирга, замонавий шароитда рақобат муҳити ва глобал туризм бозори талаблари меҳмонхона хўжаликларидан инновацион технологиялардан фойдаланиш, халқаро стандартларга мос хизмат кўрсатиш ва самарали бошқарув тизимини жорий этишни талаб этади. Бу омиллар уларнинг барқарор ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, меҳмонхона хўжаликларини ташкил этиш босқичларини илмий асосда ўрганиш миллий иқтисодиётда ушбу соҳанинг ўрнини мустаҳкамлашга, туризм салоҳиятини оширишга ва иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга муҳим ҳисса қўшади.

<sup>31</sup> Мичелии Дж.А. Ritz-Carlton : золотой стандарт гостиничного бизнеса нового тысячелетия. / Джозеф Мичелли ; пер. с англ. В.С.Иващенко. – М.: Эксмо, 2009. – 320 с.

<sup>32</sup> Қўлдошев К. Ўзбекистон туризм ривожланаётган давлатлар бешлигида. // "Адолат" га зетаси. 14-сон. 2013 йил 5 апрель. – 7-бет.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ortikniyozovich U. F. The Significance of Theoretical Concepts of Services and Service Activity // American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – Т. 5. – №. 6. – С. 43-45.
2. Холикулов А., Юлдашева Н. Меҳмонхоналарда сервис сифатини оширишнинг концептуал йўналишлари ва уни баҳолашнинг илмий-назарий ва услубий масалалари // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 76-86.
3. Қўлдошев Қ. Ўзбекистон туризм ривожланаётган давлатлар бешлигида. // "Адолат" газетаси. 14-сон. 2013 йил 5 апрель. – 7-бет.
4. Мичелии Дж.А. Ritz-Carlton : золотой стандарт гостиничного бизнеса нового тысячелетия. / Джозеф Мичелли ; пер. с англ. В.С.Иващенко. – М.: Эксмо, 2009. – 320 с.
5. Қўлдошев Қ. Ўзбекистон туризм ривожланаётган давлатлар бешлигида. // "Адолат" газетаси. 14-сон. 2013 йил 5 апрель. – 7-бет.